Саидов Акбар Ахадович – профессор
Ахатов Вохиджон Асатуллаевич – ассистент
Бухоро давлат тиббиёт институти (Бухоро, Ўзбекистон)

ПАТОЛОГИК КАМ ОВҚАТЛАНИШДА ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИНИНГ ДИСФУНКЦИЯСИ

Аннотация. *Ушбу мақолада тишлар патологик едирилишининг ривожланган шаклида тишларнинг анатомик шаклининг ўзгаришига, тиш тожи баландлиги пасаяди, тишловнинг ўзгаришига, чайнов функциясининг бузилишига, тишларнинг гиперестезиясига, пародонт тўқималарнинг орттиқча босим остида шикастланишига ва чакка-пастки жағ бўғими дисфункция ва артрознинг ривожланишига олиб келади. Функция бажарилаётган пайтида бўғимда қирсиллаш, сиқилиш, ЧПЖБ ва чайнов мушакларида оғриқ, бош оғриғи ва бошқа аломатлар кузатилиши мумкин.*

Калит сўзлар: *патологик кам овқатланиш, чакка-пастки жағ бўғими, дисфунционал ҳамда неврологик ҳолатлар.*

Саидов Акбар Ахадович – профессор
Ахатов Вохиджон Асатуллаевич – ассистент
Бухарский государственный медицинский институт (Бухара, Узбекистан)

ДИСФУНКЦИЯ НИЖНЕЧЕЛЮСТНОГО СУСТАВА ПРИ ПАТОЛОГИЧЕСКОМ НЕДОЕДАНИИ

Аннотация. *В данной статье при запущенной форме патологического питания зубов наблюдается изменение анатомической формы зубов, уменьшение высоты коронки зуба, изменение прикуса, нарушение жевательной функции, гиперестезия зубов, повреждение тканей пародонта под избыточным давлением и развитие дисфункции челюстно-лицевого сустава и остеоартрита. Во время выполнения функции в суставе могут наблюдаться покалывание, стеснение, боль жевательных мышцах, головные боли и другие симптомы.*

Ключевые слова: *патологическое кормление, патологический нижнечелюстной сустав, дисфункциональные и неврологические состояния.*

Saidov Akbar Axadovich – professor
Axatov Voxidjon Asatullaevich – assistant
Bukhara state Medical University (Bukhara, Uzbekistan)

DYSFUNCTION OF THE MANDIBULAR JOINT IN PATHOLOGICAL MALNUTRITION

Abstract. *In this article, in the advanced form of dental pathology, there is a change in the anatomical shape of teeth, a decrease in the height of the tooth crown, a change in bite, impaired chewing function, dental hyperesthesia, damage to periodontal tissues under excessive pressure, and the development of maxillofacial joint dysfunction and osteoarthritis. During the performance of the function, tingling, tightness, pain in the masticatory muscles, headaches and other symptoms may occur in the joint.*

Key words: *pathological feeding, pathological mandibular joint, dysfunctional and neurological conditions.*


Тадқиқотнинг долдзарблиги. Тиш қаторли патологик едирилиши эмал ва дентиннинг тез едирилиши билан тавсифланади. МКБ-10 маълумотларига кўра, тишлар патологик едирилиши "Тиш қаттиқ тўқималарининг бошқа касалликлари" тоифасига киради ва К03.0 кодига эга. Тишлар патологик едирилиши тиш қаттиқ тўқималарининг прогрессив йўқолиши билан намоён бўлади ва юз-жағ сохасининг морфологик (тиш тожининг калталаниши, бурун-лаб бурмасининг яққол намоён бўлиши), функционал (овқатни узиб олиш, чайнаш) ва эстетик бузилишларига олиб келади. Тишлар патологик едирилишининг ривожланган шаклида тишларнинг анатомик шаклининг ўзгаришига, тиш тожи баландлиги пасаяди, тишловнинг ўзгаришига, чайнов функциясининг бузилишига, тишларнинг гиперестезиясига, пародонт тўқималарнинг орттиқча босим остида шикастланишига ва чакка-пастки жағ бўғими дисфункция ва артрознинг ривожланишига олиб келади. Функция бажарилаётган пайтида бўғимда қирсиллаш, сиқилиш, ЧПЖБ ва чайнов мушакларида оғриқ, бош оғриғи ва бошқа аломатлар кузатилиши мумкин. Ён гуруҳ тишларида эрта босқичдаги тишлар патологик едирилишини тиклаш ва олдини олиш усулларини етарли даражада ўрганилмаган. Тишлар патологик едирилиши йиллар

давомида даволанмаса уларни коррекциялаш усуллари мураккаблашади [1.3.5.7.9.11]. Тишлар патологик едирилиши бўлган беморларда тишжағ тизимида патологик ўзгаришлар келиб чиқади ва улар ўз вақтида ортопедик даволанмаса келажакда протезлаш жараёни қийинлашади.

Тишларнинг функционал зўриқиши ва ТПЕнинг кейинги ривожланишининг олдини олиш (профилактикаси) муаммоси ҳал этилмай қолмоқда. Беморлар кўпрок эстетик етишмовчиликдан шикоят қиладилар. Оғиз бўшлиғи кўрилганда тиш тожининг 1/3 қисми едирилган бўлади. Иккинчи ва учинчи даражадаги тарқоқ патологик едирилиш тишлов баландлиги пасайиб бориши билан кечади, беморлар эстетик етишмовчиликдан, юз шаклининг ўзгарганлигидан, овкат чайнаш қийинлашганидан шикоят қилади. Беморларда бурун-лаб бурмаси яққол намоён бўлади, лаб бурчаклари бичилади ва беморўз ёшига нисбатан қарилик белгилари намоён бўлиши мумкин. Баъзи беморларда температура ва кимёвий таъсирлардан едирилган тишлар соҳасида гиперестезия кузатилади.


Тадқиқотнинг мақсади. патологик едирилиши мавжуд беморларда чакка-пастки жағ бўғимида дисфунционал ҳамда неврологик ҳолатларни қиёсий таққослашни ўрганиш.

Натижа ва таҳлиллар. Беморларни сўраб суриштириш жараёнида қуйидаги шикоятлар учради: ЧПЖБ сохасида оғриқ, ЧПЖБ сохасида шақиллаш, оғизни очишда ва чайнаш даврида оғриқ. ЧПЖБ дисфункцияси кўпинча бош оғриғи билан бирга кечиши аниқланди. ЧПЖБ да ўзгаришлари бор беморларни ёш бўйича тақсимланиши 1-расмда берилган. Диаграммадан кўриниб турибдики, ЧПЖБ холатидан хар хил кўринишдаги шикоятларни энг кўп 41-50 ёшдаги беморларнинг 16 нафарида, кейинги ўринда 51-60 ёшли беморларнинг 9 нафарида кузатилди.




1-расм. **ЧПЖБ дисфукцияси. бор ишчиларнинг ёш гурухлари бўйича тақсимланиши**

Ишчиларни ёш гурухлари бўйича шикоятлари 3.4-расмда берилган.



2-расм. **Текширилган беморларда ёш гурухлари бўйича шикоятларнинг тарқалиши (нафар)**

20-30 ёш гурухидаги беморларнинг 2 нафари бўғим сохасида оғриқ, оғриқ ва шаққилаш, қирсиллаш ва оғизни очишда оғриқ, ҳамда чайнов вақтидаги оғриқдан шикоят қилди. 31-40 ёш гурухидаги беморларнинг 2 нафари бўғим сохасида оғриқ ва шаққилашдан шикоят қилдилар, 4 нафари эса оғриқ+чайнов вақтида қирсиллаш ва қирсиллаш+оғиз очишда оғриқ кузатилди. 41-50 ёш гурухи шаққиллаш, оғриқ+шаққилашдан шикоят қилдилар. Шу гурухда 14 нафар бемор чайнов вақтида оғриқдан шикоят қилдилар. Ушбу гурухдаги беморлар энг кўп шикоятларни қилдилар (2-расм).



3-расм. **41-50 ёш гурухида ишчилар шикоятининг тарқалиши**

Биз текширувларда Роджерс К. ва Даймон Р. бўйича сўровнома ўтказдик. Бу методикани қўллаш давомида олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

Ижтимоий-психологик мослашуви Рожерс К ва Даймон Р.услуби билан диагностикаси (M±σ)

Шкала	Ўртача	Фоизли			«Норма»	Ўртача оғиш	Стандарт хато ўртача қиймат
	M±σ	25	50-чи (медиана)	75-чи			
Мослашувчанлик	119,2±19,85	112,5	127	135,5	68-136	17,108	2,47
Мослашмаслик	36,94±11,91	33,5	41	44		9,816	1,42
Ёлғон-	8,8±3,15	7	9	11	18-36	2,528	0,36
Ёлғон+	7,32±2,67	6,25	8	9	18-36	2,29	0,33
Ўзни қабул қилиш	21,52±6,19	19,25	24	26	22-42	5,271	0,76
Ўзн қабул қилмаслик	6,55±3,01	5	6	9	18-28	2,141	0,31
Ўзгаларни қабул қилиш	14,32±3,78	12,25	15	17	12-24	3,078	0,44
Ўзгаларни қабул қилмаслик	8,63±3,94	7	9	11	14-28	3,078	0,44
Эмоционал қулайлик	10,63±4,11	9	12	13	14-28	3,2	0,46
Эмоционал ноқулайлик	8,56±3,5	7	9	11	14-28	2,673	0,39
Ички назорат	29,43±11,21	18,25	33,5	37	26-52	9,772	1,41
Ташқи назорат	9,01±5,62	6	8	13,5	18-36	4,702	0,68
Устунлик	3,66±1,72	3	4	5	6-12	1,231	0,18
Эскапизм (муаммолардан қочиш)	5,6±2,82	4	6	7	11-19	2,131	0,33

Шу билан бирга, “меъёр” соҳасигача бўлган натижалар ўта паст, “меъёр” соҳасининг энг юқори кўрсаткичидан кейинги натижалар эса – жуда юқори саналишини айтиб ўтиш лозим [2.4.6.8.10]. Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, ишчилардаларда қуйидаги ўрганлаётган шкалалар бўйича паст кўрсатгичлар аниқланди: “ўзини рад этиш”, “бошқаларни ёқтирмаслик”, “ҳиссий қулайлик” ва “ҳиссий ноқулайлик”, “ташқи назорат”, “етакчилик”, “ахборотга эгалик”.

Маълумотлар ўрганилаётган гуруҳларда ишончли фарқларни кўрсатишини эътиборга олсак, олинган маълумотлар массивининг баҳоси бошқа статистика усуллари билан амалга оширилган.

Хулоса. Асл чайнов мушаклари юА- бутун чайнов давридаги биопотенциаллар юқори апмлитудаси эркакларда 371,2+8,1; аёлларда эса 352,4+9,6 мкВ бўлиши аниқланди. мА- чайнов мушакларининг максимал қисқаргандаги биопотенциаллар амплитудаси эркакларда 434,5+12,2; аёлларда эса 392,6+10,1 мкВ тенг бўлди. Бошнинг ён проекциясидаги телерентгенограммасида юзнинг умумий морфологик баландлиги биз тавсия этган комплекс даволашдан сўнг 6,5 % га, юзнинг пастки қисми морфологик баландлиги эса 3,6 % га кўтарилиб нормал холатга яқинлашди.

АДАБИЁТЛАР

1. Саидов А.А., Азимова Ш.Ш., Абруев У.Р, Расулов М.М. Тиш-жағ тизими аномалияларининг Бухоро шахар мактаб ёшидаги болалар орасида тарқалиши // Доктор Ахборотномаси. - 2020. - №1. – С. 67-71.
2. Sh.Sh.Azimova, A.A.Saidov., F.I.Ibragimova Medical and Psychological Approach in the Early Diagnosis and Treatment of Cutaneous Bite in Children // Annals of the Romanion Society for Cell Biology. – Volume 21, Issue 4, March, 2021. – P. 16137-16142. (Scopus).
3. H.R. Aliyev., A.A.Saidov Improving the Treatment and Profiling of Deformities Caused by the Loss of Molars in Children // Ilocua Annals of R.S.C.B..ISSN:1583-6258, Vol. 25, Issue 4, 2021, Pages. 16151 - 16155 Received 05 March 2021; Accepted 01 April 2021.16137 hltp: //annal sofrscb.ro
4. Saidov A.A. Assessment of some indicators of oral liquid in children with the pathology of the temior-lower under jaw joint // Asian Journal of Multidimensional Research, Indiya, 2020.Vol 9, Issue 1, january. – P. 59-63. Impact Faktor= 6.8
5. Saidov A.A. Hygienic condition of the oral cavity during orthodontic treatment of children with temporomandibular joint dysfunction // The Phar ma Innovation Journal. Indiya, 2020. - № 9(6). - P. 589-591. Impact Faktor= 5.98
6. Saidov A.A., Olimov S.SH., Gaffarov S.A., Akhmadaliev N.N. The value of matrix metalloproteases and connective tissue markers in the pathology

of temp-jaw joint in children // Journal of critical reviews, 2020. Vol 7, – P. 44-49.

7. Saidov A.A. Assessment of some indicators of oral liquid in children with the pathology of the temior-lower under jaw joint // Asian Journal of Multidimensional Research, Indiya, 2020.Vol 9, Issue 1, january. – P. 59-63. Impact Faktor= 6.8

8. Saidov A.A. Hygienic condition of the oral cavity during orthodontic treatment of children with temporomandibular joint dysfunction // The Phar ma Innovation Journal. Indiya, 2020. - № 9(6). - P. 589-591. Impact Faktor= 5.98

9. Saidov A.A., Gaffarov S.A. The role of matrix metalloproteases in early diagnostics in the pathology of the tempo-mandibular joint in children // Актуальные вызовы современной науки. Сборник научных трудов. Выпуск 4(48) часть1. Переяслав – 2020 - С.51-52.

10. Saidov A.A., Gaffarov S.A. Evaluation of certain indicators of oral fluid in children with temporomandibular joint pathology // Актуальные вызовы современной науки. Сборник научных трудов. Выпуск 4(48) часть1. Переяслав – 2020 - С.53-55.

11. Saidov A.A., Gaffarov S.A. Evaluation of some indicators of oral fluid in children with temporamandibular joint pathology // International jou rnal of Innovations in engineering research and technology- 2020. -P.16-18.